


Туманда қонун устуорлигини таъминлашда 2022 йил давомида амалга оширилган ишлар тұғрисида



Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-апрелдаги ПФ-5415-сон “**Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш**”

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда ушбу санадаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, адлия бўлими томонидан 2022йил ИИИ-чорак давомида асосий вазифаларидан келиб чиқиб, тасдиқланган иш режа ва қўшимча чора-тадбирларга кўра, давлат органлари ва ташкилотлари туман бўлинмаларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолатини ўрганиш, таҳлил этиш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1.Давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш бўлиб, мазкур вазифадан келиб чиқиб туман адлия бўлими томонидан жорий йилда 20 та ўрганиш ва 61 маротаба мониторинг ўтказилди, ўрганиш ва мониторинглар жараёнида аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмакловчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги 343 та тақдимномалар ташкилотларга киритилди, 1514 та қонун бузилишлар аниқланиб, 133 та масъул ходимлар интизомий жазога тортилди.

Улардан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида 18 та маъмурий таклифлар киритилди, бундан ташқари 307 та огоҳномалар киритилди.

Фуқароларнинг манфаатини қўзлаб судларга 65 та аризалар киритилди ва 775 млн 500 минг сўм ундириш ҳақида суднинг қарорлари қабул қилинди.

2.Қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидағи ижроциларга етказиш, “Республика-вилоят-туман-маҳалла” принсипи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича.

Бўлимнинг иш режасига асосан сайёр қабуллар ташкиллаштирилиб фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилмоқда.

Жумладан, Туман адлия бўлими томонидан 2022 -йилнинг январ-сентябр ойлари давомида тумандаги 10 дан ортиқ ҳамкор ташкилотлар маъсул ходимлари иштирокида жойларда 2236 маротаба манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Жумладан, 1190 марта Оммавий ахборот, ВЕБ-сайт ва бошқа электрон ахборот воситалари орқали чиқишлиар қилинди, шундан тумандаги 14 марта маъруза, 316 та давра суҳбати ва 13 та семинар ўтказилди ҳамда қабул қилинган янги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан таништирилди.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини туман тузилмаларига етказиш амалиёти йўлга қўйилди, уларнинг моҳиятини тушунтириш бўйича ҳар ҳафта “Ҳокимлик соати” да Адлия вазирлиги томонидан ўтказилаётган брифинг

материаларидан фойдаланган ҳолда маърузалар қилинмоқда.

Барча ўтказилган тадбирлар тафсилотлари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда адлия бўлимининг “Фасебоок” ва Узун туман адлия бўлими ижтимоий тармоғида очилган гуруҳларга жойлаштирилиб, ушбу гуруҳ иштирокчилари сонини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, “Узун туман адлия бўлими” телеграмм канали орқали жамиятимиздаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириш ва қонунга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида Қонунчиликка киритилган янгиликлар ва қонун ҳужжатларини мазмун моҳиятини аҳолига тушунарли тилда етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, адлия бўлими томонидан Адлия вазирлигидан электрон шаклда келиб тушган 892 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан 50 та Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, 282 та Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, 357 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тумандаги давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги 21 та тузилмаларига электрон шаклда етказилиши йўлга қўйилди.

3. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 13-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида “ПҚ-3666-сон қарорига асосан 2018-йил 1-майдан бошлаб барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозимлиги, ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий хулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шарти этиб белгиланган.

Шунга кўра, ҳокимлик ва Кенгаш томонидан юборилган 16 та қарор лойиҳаси, туман адлия бўлими томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб ижобий хулоса берилган.

4. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бир хиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан 2019-йил 13-сентябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини – кўриб чиқиш бўйича котибияти кўмагида “Адлия тадбиркорга дўст” лойиҳасини амалга ошириш бўйича сўровномалар ўтказилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, бўлим томонидан контрафакт товарларни сотувга

чиқармаслик, тарози үрнатиш ва товарларни тўлови учун чек бериб бориш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи тушунтириш мақсадида 40 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари билан тарғибот тадбирлари олиб борилди.

Туман адлия бўлими томонидан ҳуқуқни қўлаш амалиёти ўрганилиб қонунчиликка 42 та таклифлар киритилди ва вилоят адлия бошқармасининг қонунчиликка берилган таклифларни ўрганиш ишчи гуруҳига етказилди.

6. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

Туман адлия бўлимига 2022-йил 1- октябр ҳолатига 148 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан ушбу мурожаатларнинг 114 таси қаноатлантирилди, 34-тасига белгиланган тартибда ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Мурожаатлар юзасидан фуқароларнинг манфаатини кўзлаб 43 та ариза Сариосиё туман фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига киритилди ва суд томонидан барчаси қаноатлантирилиб, 649 млн 500 минг сўм фуқароларга тўлаб бериш ҳақида қарор қабул қилинишига эришилди.

Туман ФХДЁ бўлими томонидан 9 ой мобайнида 3717 та туғилиш расмийлаштирилиб шундан, 40 та муддати ўтказилиб расмийлаштирилган, 52 та бола ўлик туғилган, перинатал ўлим 2та, ёлғиз она 65 та ва оталикни белгилаш 186 та. Шундан суд қарорига асосан расмийлаштирилганлар йўқ.

Узун туман адлия бўлими Давлат хизматлари маркази томонидан ўтган 2022-йил ўтган 9 ой мобайнида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича жисмоний шахслар томонидан жами янгидан 809 та тадбиркорлик субъектлари жумладан 398 та дехқон хўжалиги рўйхатдан ўтказилди. Шунингдек, 2022-йилнинг 9 ойи мобайнида жисмоний шахсларнинг 24 таси қайта рўйхатдан ўтган 58 таси фаолиятини вақтинча тўхтатган 2 таси эса фаолиятини бутунлай тугатган. Ҳозирда Узун туманида жами 4771 та жисмоний шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. 2022-йилнинг 9 ойида 165 та юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган бўлса шуларнинг 36 таси оиласи корхоналар, фермер хўжаликлари 7 та, 79 та масъулияти чекланган жамияти ва 1 та ишлаб чиқариш кооперативизим масигат ўғриклидади. Шу билан бирга 2022 йилнинг 9 ойида 105 та юридик шахс қайта рўйхатдан ўтказилди. Бугунги кунда Узун туманида 3432 ортиқ юридик шахс фаолият юритиб келмоқда. 2022 йилнинг биринчи чорагида Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 21-августдаги 704-сон қарорига асосан тугатилган тадбиркорлик субъектлари 34 тани ташкил этади.

Узун туманида Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида 2022-йилнинг 9 ойи бўйича 22285 та давлат хизматлари кўрсатилган бўлса шулардан 2298 таси рад этилган, 2627 таси кўриб чиқиш жараёнида, 17211 таси ижобий ҳал этилган, шулардан энг кўп келиб тушаётган хизматлардан болани давлат мактабгача

таълим муассасига жойлаштириш хизмати бўйича 6396та, кадастр паспортини шакллантириш хизмати бўйича 1154 та, кўчмас мулк объектларига бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш 908 та, нафақа тайинлаш 2146, ЭРИ калитларни бериш бўйича 8457 тани ва бошқа хизматларни кўрсатишга тўғри келади.

Узун туман адлия бўлимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш бўйича 35 та қонун бузилиш ҳолатлари бўйича 11 та тақдимнома ва 2 та маъмурий ҳукуқ бузарилик юзасидан таклифлар киритилиб, маъмурий жавобгарликка тортилди. Юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан жорий йилгнинг 9 ой мобанида 11157 та хужжатлар келиб тушган. Шундан, 8 087 таси буйруқлар (шундан 988 тасининг камчиликлари мавжуд бўлганлиги сабабли қайтарилиган) 3 070 таси шартномавий муносабатларга оид хужжатлар, (шундан 445 тасининг камчиликлари мавжуд бўлганлиги сабабли қайтарилиган). Чунки туман ташкилотлари меҳнат кодекс талаблари ва бошқа қонун хужжатларига риоя қилмасдан буйруқ ва шартномаларни расмийлаштиришда қонун бузилиш ҳолатларни олди олинмоқда.

Юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан олиб борилган мониторинглар давомида 191 та тақдимнома ташкилотларга киритилди ва ушбу ташкилотларнинг масъул ходимлари интизомий жавобгарлик катортилди.

Хурматли матбуот анжумани иштирокчилари

Юқорида қайд этилганларга кўра, давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги барча тузилмалари қонунлар ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишда тегишли қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлашга эътиборни қаратишлари лозимdir.

Шунингдек, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва аҳамиятини тумандаги тузилмаларнинг ижрочилари ҳамда қўйи тузилмаларига етказиш ҳамда аҳоли ўртасида тушунтиришишларни ташкил этишда, тузилмаларнинг ҳукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишида ушбу тузилмалар туман адлия бўлими билан ҳамкорлик қилишнинг самарали механизmlарини кенгайтириш чоралари кўрилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Соҳани янада такомиллаштириш учун бор қуч-ғайратимизни ишга солиш бўйича барча чораларни кўрамиз.

Эътиборларингиз учун раҳмат!

Бўлим бошлиғи У. Донияров